

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02. 2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ТУРСУНОВ АКМАЛ РАҲМАТУЛЛАЕВИЧ

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ЯСАМА СЎЗ ТАЛҚИНИ

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

УДК: 809.437 5-3

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Турсунов Акмал Рахматуллаевич

Ўзбек тилшунослигида ясама сўз талқини5

Турсунов Акмал Рахматуллаевич

Интерпретация производного слова в узбекском языкознании23

Tursunov Akmal Rahmatullayevich

Interpretation of derivative words in uzbek linguistics41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works45

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02. 2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ТУРСУНОВ АКМАЛ РАҲМАТУЛЛАЕВИЧ

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ЯСАМА СЎЗ ТАЛҚИНИ

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.2.PhD/Fil.126 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мирзакулов Турсунали Утаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Назарова Саида Ахмеджановна
филология фанлари номзоди, доцент
Абдиев Муродқосим Болибекович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03.27.02.2020.Fil.72.09 рақамли Илмий кенгашнинг 20 21 йил «18» май соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-07, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (54 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» сентябрь да тарқатилди.
(2021 йил «29» апрель даги 2 - рақамли реестр баённомаси).



Д.С.Ўраева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, филология фанлари доктори (DSc), профессор

Г.И. Тоирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Д.З. Ражабов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори (DSc), доцент

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилни систем-структур тадқиқ этиш, ясама сўзнинг пайдо бўлиш усуллари, тил бирликлари тизимидаги мақоми ва мавқеини янада мустаҳкамлаш, жумладан, ясама сўзнинг семантика ва прагматикадаги ўрнини белгилаш нуқтаи назаридан хусусиятларни очиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жаҳон тилшунослигида узвий боғланган сатҳ ва соҳаларни асослаш, ясама сўзларнинг мазмун-моҳияти, талқини, ҳосил бўлиши, ясама сўзни структур-семантик жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида тилни бир бутун, яхлит тизим сифатида тадқиқ этиш лингвистика фанини юқори босқичга кўтарди. Ясама сўзнинг структурасини янгича илмий-текшириш усул ва тамойиллар билан бойитиш, сўз ясалиши соҳасининг майдони, кўламини текшириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ясама сўзнинг фонема, морфема, лексема, сўз шакл, сўз бирикмаси, гап билан муносабати, унинг шаклий-услубий турларини ёритишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мамлакатимизда илм-фан, таълимни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган туб ислохотлар, айниқса, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини оширишга қаратилган сўнгги фармон ва қарорлар тилшунослар зиммасига масъулиятли вазифаларни юкламоқда. «Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади»¹. Шу маънода соҳа тараққиётига инновацион ёндашиб, ясама сўзнинг моҳияти, маъноси, ҳосил бўлиш усуллари, тил бирликлари тизимидаги мақоми ва мавқеи, тилнинг нутқ жараёнидаги ўрни, ясама сўзнинг диахрон ва синхрон жиҳатдан унумли ва унумсиз моделларини белгилаш ҳақидаги масалаларни ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Фан, 2018. 52 - б.

2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида», 2020 йил 29 январдаги 40-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида сўз ясалиши ва унинг тарихи ҳақида Хадумод Буссманн, Ҳандбер Спрач, Гилад Цукерманн, Г.Д.Хельбиг кабиларнинг хизматлари катта бўлди².

Рус тилшунослигида сўз ясалишининг ўзгарувчанлик муаммосини, сўз ясалишининг турларини тадқиқ қилган В.В.Виноградов, Г.О.Винокур, Е.С.Кубрякова, Н.А.Баскаков, Э.А.Земская, Н.К.Дмитриев, М.Д.Степанова, В.Н.Ярцева кабиларнинг илмий изланишлари алоҳида эътирофга лойиқ³.

Ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши ва ясама сўз ҳақида муҳим маълумот ва талқинлар сифатида М.Кошғарий, А.Навоий, А.Фитрат, А.Ғ.Ғуломов, С.Усмонов, Ш.У.Раҳматуллаев, А.П.Ҳожиевларнинг тадқиқотларини келтириб ўтиш ўринлидир⁴. Айниқса, академик А.П.Ҳожиев томонидан «Ўзбек тили сўз ясалиши» (Тошкент, 1989) ва «Ўзбек тили сўз ясалиши тизими» (Тошкент, 2007) асарларининг нашр этилиши сўз

² Hadumod Bussmann. Routledge Dictionary of Language and Linguistics, London. 1996. –P.67.; Handbücher zur Sprach. Kommunikations wissenschaft 21, Berlin/New York: Walter de Gruyter, vol. 1, P. 1142-1178.; Ghil'ad Zuckermann. Language Contact and Lexical Enrichment in Israeli Hebrew. Houndmills: Palgrave Macmillan. (Palgrave Studies in Language History and Language Change).2003. – P. 45. ISBN 978-1-4039-3869-5.; Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. – М., 1978. – С.129-138.;

³Виноградов В. В. Русский язык. – М.,1947.– С.39-48.; Винокур Г.О. Заметки по русскому словообразованию // В кн.:Избранные работы по русскому языку. – М., 1959. – С.158-164.; Кубрякова Е.С. Типы языковых значений (семантика производного слова). – М., 1981. – С.56-68.; Баскаков Н.А. Историко-типологическая морфология тюркских языков. – М., 1979. – С. 69 - 78.; Земская Е. А. Словообразование. Современные русский язык (под ред. В.А.Белошапковой). – М., 1989. –С.66-74.; Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. – М., 1948. –С.97-103.; Ярцева В.Н. Проблема вариативности на морфологическом уровне семантическое и формальное варьирование. – М., 1979. – С.89- 97.

⁴ Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши. – Т., 1989. – Б. 39-41.; Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. –Т., 2007. – Б. 25.; Навоий А. Муҳокаматул-луғатайн. Асарлар. Ўн беш томлик. Ўн тўртинчи том. –Т., 1967. – Б.117.;Абдуллаев Ф. Тил қандай ривожланади? –Т., 1976. – Б.68.; Ғуломов А. Ғ. Сўз ясалиши.Ўзбек тили грамматикаси. I том. –Т., 1975. – Б.28-41.; Усмонов С. Сўз ясовчи аффиксоидлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1963, 3- сон. – Б. 40-44.; Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили.– Т., 2000. – Б.151-153.

ясалишига оид илмий тадқиқотлар учун янги истиқбол ва йўналишни белгилаб берди.

Ўзбек тилшунослигида айнан сўз ясаши ва ясама бирга сўз ҳақидаги манбаларни ўрганиш борасида муайян тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, А.Абдуазизов, А.Ғуломов, Н.Маҳмудов, И.Кўчқортоев, А.Бердиалиев, Т.Мирзақулов, А.Мадвалиев, Ё.Тожиев ва бошқаларнинг изланишларини ана шундай ишлар сифатида қайд этиш ўринли. Бу тадқиқотлар, асосан, алоҳида сатҳлар доираси билан чегараланган бўлиб, кейинги вақтларда сатҳлараро муносабатларга дахлдор ишлар хусусида зарурий тавсиялар бера олганлиги билан долзарблик касб этган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тилшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, сўз яшаш моделлари амал қилишда ўхшашлик (аналогия)нинг мавқеи диахрон ва синхрон жиҳатдан унумли ва унумсиз моделларни белгилаш учун асос бўлиши, тегишли узувал ва окказионал ясалмалар мисолида асослаш, бу жараён билан боғлиқ сўз ясашиш тамойилларини аниқлаш маҳорати монографик тарзда текширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТД-1-07 рақамли «Тилшунослик асослари» фанидан дарслик, ўқув-услубий мажмуа ва уларнинг электрон нусхаларини яратиш» (2012-2014 йй.) йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилшунослигида ясама сўзларнинг мазмун хусусияти ва усулларини аниқлаш, унинг тил бирликлари тизимидаги мақомини, тил ва нутқдаги ўрнини асослаш ҳамда улардан фойдаланишдаги маҳоратни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек тилшунослигида ясама сўзнинг ўрганилиш тарихини муайян босқичлар асосида аниқлаш;

ясама сўзнинг тил тизими бирликлари (фонема, морфема, лексема, сўз-шакл, сўз бирикмаси, гап) билан муносабатини ёритиш;

ўзбек тилидаги ясама сўзларнинг мазмун-моҳияти, талқини, ҳосил бўлиш хусусиятлар ва деривациянинг синхрон ва диахрон усулларини очиб бериш;

ясама сўзнинг тил ва нутқ, семантика ва прагматикадаги ўрнини ҳамда унинг қўлланиш хусусиятларини далиллаш;

тилда янги сўзнинг ҳосил бўлиши, тилга хос маълум усул асосида шу тил материаллари билан янги сўз яшаш ҳодисаларини фарқлаш орқали ясама сўзнинг бошқа маъно турларидан фарқли томонларини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сўз ясашишнинг марказий тушунчаси – ясама сўз ва у билан боғлиқ ҳодиса, жараён танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилидаги ясама сўзларнинг мазмун-моҳияти, фонема, морфема, лексема, сўзшакл, сўз бирикмаси, гап билан муносабати ва алоқаси каби масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёслаш, тавсифлаш, зидлаш усуллари, функционал-семантик, номинатив-ономасиологик таҳлил усуллари билан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ясама сўзни ўрганишнинг структур-семантик, номинатив-ономасиологик ва трансформацион босқичлари кетма-кетлик асосида далилланган;

ясама сўзнинг бошқа тил бирликлари тизимидаги мавқеи, моҳияти ва синхрон-синтагматик хусусияти аниқланган;

сўз ясалишининг социолингвистик, прагматик томонини кўрсатадиган номинатив-ономасиологик белгилари фактик материаллар орқали исботланган;

ясама сўзнинг тил тизими бирликлари (фонема, морфема, лексема, сўз шакл, сўз бирикмаси, гап) билан муносабати ва алоқаси, ясама сўзнинг маъноси узул ва окказионал ясалмалар таҳлили асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилининг сўз ясалиши тизими тарихий жиҳатдан кўп асрлик анъанага эгаллиги, унинг мавқеи, тараққиёт хусусиятлари, ясама сўз ёки ясалма сўз ясалишининг асосий бирлиги ва тушунчаси мақомига эришиш тамойиллари ишлаб чиқилган;

ясама сўз ижтимоий талаб ва эҳтиёж туфайли пайдо бўлиши сабабли унинг ҳосил бўлишида тил эгаларининг номинатив-ономасиологик фаолияти асосий ўринда туриши асосланган;

ўзбек тилида аффикс ва морфемалар борасидаги муаммолар ва сўз ясовчи аффикслар ва улар билан боғлиқ ҳодисаларнинг ечимлари ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий манбалардан олинганлиги, қиёсий, тавсифлаш, компонент таҳлил, функционал-семантик, номинатив-ономасиологик таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ўзбек тилида сўз ясалиши тизими, унинг тараққиёт хусусиятлари, ясама сўз ёки ясалма, сўз ясалиши каби тушунчаларнинг моҳияти, талқинлари, ўзига хос хусусиятлари, ясама сўзнинг пайдо бўлиш йўли ва усуллари, ижтимоий ҳаётдаги ўзгариш ва ривожланиш жараёнларига ҳозиржавоблиги, тил ва нутқдаги, қолаверса, семантика ва прагматикада ўрни, фонема, морфема,

лексема, сўз-шакл, сўз бирикмаси, гап билан муносабатини тадқиқ этишда назарий манба вазифасини бажариши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Тилшунослик асослари», «Ўзбек тили сўз ясалиши», «Ўзбек тили сўз ясалиши тизими», «Ҳозирги ўзбек тили» фанларидан машғулотлар олиб боришда ҳамда ўқув қўлланма, дарслик, мажмуалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилшунослигида ясама сўз талқинини ўрганиш каби жиҳатларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

ясама сўзнинг бошқа тил бирликлари тизимидаги мавқеи ва сўз ясалишдаги унумли ҳамда унумсиз моделларини белгилаш каби хулосалардан ИТД-1-07-рақамли «Тилшунослик асослари» фанидан дарслик, ўқув-услугий мажмуа ва уларнинг электрон нусхаларини яратиш» номли фундаментал лойиҳада (2012-2014 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги 89-03-296-сонли маълумотномаси). Натижада ясама сўзнинг узул ва окказионал ясалмалар таҳлилин аниқлашга хизмат қилган;

сўз ясалишининг социолингвистик, прагматик томонини кўрсатадиган номинатив-ономасиологик белгилари ва синхрон-синтагматик хусусиятига оид хулосалардан ФА-Ф1-Г041 – «Ўзбек тили лексикасининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» номли фундаментал лойиҳада (2012-2016 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 10 мартдаги №3/1255-1236-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек тили лексикасининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этишида, сўз ясалиш ҳодисасини янгича талқин қилишга имкон берган;

ўзбек тилшунослигида ясама сўзнинг ўрганилиш тарихи, соҳадаги истиқболли илмий фикр ва қарашлар функционал имкониятларнинг кенгаётганлигини кўрсатиб берувчи материаллардан «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Муносабат» дастурлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 27 сентябрдаги 01-14-2029-сонли маълумотномаси). Натижада ясама сўзнинг маъноси, бу маънонинг бошқа маъно турларидан фарқли жиҳатларига оид билимларни такомиллаштириш ва бойитишга эришилган;

тил тараққиётидаги ўзгаришлар, ўзбек тилшунослигида ясама сўзнинг ўрганилиш тарихи, ясама сўзнинг даврлар бўйича талқинлари, бу талқинларнинг фан тарихидаги ўрни ва мавқеини аниқлаш, соҳадаги истиқболли илмий ёндашувни кўрсатиб берувчи материаллардан Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг «Давлат тили – миллат ғурури», «Қадрият», «Долзарб мавзу», «Муносабат» кўрсатув сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 10 январдаги 01-02/13-сонли маълумотномаси). Натижада ясама сўзнинг тил тизими бирликлари билан муносабати ва алоқаси каби маълумотлар

радиоканал ижодий жамоасининг мавзу доирасида чуқурроқ мулоҳаза юритиши учун замин яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 23 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза шаклида тақдим этилиб, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 23 таси республика ва 4 та хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва шартли қисқартмалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 149 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ясама сўзнинг ўрганилиш тарихи**» деб номланган биринчи боби уч бўлимдан иборат. Унинг биринчи қисми «Ясама сўзнинг ўрганилиш босқичлари» деб аталган бўлиб, бунда туркий ва ўзбек тилшунослигида бу соҳага оид олиб борилган тадқиқотларга тўхталиб ўтилган. Ўзбек тилида сўз ясалишининг дастлабки вариантлари ҳамда хусусиятлари Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Хайён, Алишер Навоий ва Абдурауф Фитрат асарларида эътироф этилади, шунингдек, бу ғоя ва тавсифлар ўзбек адабий тили учун ўз долзарблигини йўқотмаган. Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» асарида сўзларнинг аффиксация усулида ясалишига алоҳида ўрин ажратилиб, бу борада ўзбек тилининг имкониятлари нақадар кенглиги ўз исботини топган. Туркий тиллар агглютинатив курилишли бўлиб, морфологик шаклни ҳосил қилишга хизмат қилувчи аффикс сўз ўзак/негизига бирин-кетин қўшилиб келиши, жуда кўп ҳолда эса хатто қўшимча ва ёрдамчи сўз синонимияси (чунончи, *сенга* ~ *сен учун*, *ишла* - *иш қил*) мавжудлиги сабабли Маҳмуд Кошғарий туркий шакл қўшимчани ҳарф (ёрдамчи сўз) деб тасниф этади ва ўзбек тилидаги *-лар*, *-га*, *-да*, *-дан* каби шакл ва *-ла*, *-чи* каби сўз ясовчи қўшимчани ҳарф деб тасниф этади. «Девону луғат-ит турк»нинг луғат қисмида уларни алоҳида ажратиб, луғавий бирлик сифатида шарҳлайди. Чунончи, «Девон»да *су* - аскар, қўшин

ва - *си* эгалик кўшимчаси, *қа* - «идиш, қоп» ва - *қа* - жўналиш кўшимчаси бир банд ва бўлимда шарҳланади.

XX аср бошида Абдурауф Фитрат ўзбек тили грамматикасини яхлит, яъни морфология, сўз ясаши ва синтаксисни ўзаро зич боғланган сатҳ тарзида тадқиқ қилди. Фитрат ўзбек тилшунослигининг ўша давр учун энг долзарб бўлган масаласига жиддий эътибор қаратди, қолаверса, унга ўз муносабатини билдирди.

Жумладан, туркий ва ўзбек тилшунослигида акад. Н.К.Дмитриев, В.А.Гордлевский, А.Н.Кононов, Н.А.Баскаков, А.П.Ҳожиев, А.Ғ.Ғуломов кабиларнинг тадқиқотлари ўрганилиб, тегишли хулосаларга келинди.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлими «Ясама сўзни ўрганишнинг морфологик босқичи» деб номланган ва унда XX аср ўзбек тилшунослиги морфология соҳасининг тараққиётига ҳисса қўшган Саид Усмоновнинг агглютинация борасидаги қарашлари, В.В.Решетов, Е.Д.Поливанов, А.Н.Кононов, С.Н.Иванов, А.М.Шчербакларнинг илмий қарашлари, О.Қосимхўжаева, А.Мадвалиев, А.Хўжаев, З.Маърупов, С.Фердаус, С.Фузаилов, А.Сулаймонов, А.Ғуломов, А.Боровков, А.Н.Кононов, Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиев каби қатор тилшуносларнинг морфология соҳасидаги тадқиқотлари ўрганилган.

Жамият ва онг тараққиёти эҳтиёж туфайли янгидан-янги ясалмаларнинг пайдо бўлишига имкон яратади. Бу эса, ўз навбатида, сўз ясашининг социолингвистик, прагматик томонини кўрсатадиган асосий белгилардан ҳисобланади. А.Ғ.Ғуломов «сўз яшаш моделлари» тушунчасини куйидагича қўллади: сўз яшаш моделларини ҳосил қилиш, яратиш схемаси-андозаси маъносидаги умумлашган, абстракт ҳодиса эканлигини эътироф этади ҳамда куйидаги тавсифий ёндашув асосида мазкур сўз ясаши моделларини ўзбек адабий тили учун долзарб эканлигини исоботлайди:

1) ясашиш модели бир хил бўлмаган сўзлар структура ва маъно томонидан ўхшаш бўлади; 2) сўз яшаш моделларининг унумли ё унумсиз бўлиши структурадаги моделнинг янги ясалма ҳосил қилиш ё ҳосил қилмаслигидандир; 3) сўзнинг ясашиш структурасини аниқлаш билан умумлаштириш натижасида сўз ясашиш моделлари белгиланади, бу моделлар тилнинг сўз ясашиш тизимини ташкил қилади⁵.

Н.А.Баскаков, А.Н.Кононов, С.Н.Иванов каби йирик олимларнинг ўзбек тилшунослари билан учрашувлари, мулоқоти натижасида ҳам ўзбек морфологиясининг жиддий тадқиқотчилари сафи Ф.Камолов, Т.Ибрагимов, С.Усмонов, А.Ғуломов каби қатор олимлар билан кенгайди. А.Ҳожиев, М.Содиқова, Р.Кўнғуров, И.Кўчқортоев, А.Ҳ.Сулаймонов «Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар», Ғ.Абдурахмонов «Ҳозирги ўзбек адабий тилида субстантивация», Ж.Мухторов «Ҳозирги ўзбек тилида боғловчилар», Б.Ўринбоев «Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория», Т.Хўжаев «Ҳозирги ўзбек адабий тилида феълнинг буйруқ майли», А.Абдуазизов, И.Расулов,

⁵Ғуломов А. Ғ. Сўз ясашиши. Ўзбек тили грамматикаси. I том, - Т.,Фан. 1975. – Б. 28-41.

Х.Комилова, А.Мадғозиев, К.Назаров каби йирик морфология соҳасининг жонкуярлари сафидан ўрин олган бўлса, айнан 70-йиллар бошидан М.Аъламова, М.Наримонова, М.Жўрабоева, Ё.Тожиев, А.Бердиалиев, Т.Мирзақулов, С.Махматқулов, С.Султонсаидова каби кўплаб олимларнинг морфология соҳасида жиддий илмий изланишлар олиб борганлигидан хулоса чиқаришимизга асос бўлади.

Учинчи бўлим «Ясама сўзни ўрганишнинг структур-семантик, номинатив-ономасиологик ва трансформацион босқичлари» деб номланган. Маълумки, сўз ясаши йўллари ва усуллари борасида тадқиқот олиб борилган. Сўз ясаши сатҳининг асосий парадигмаси сўз ясаши системаси парадигмаси таркиби қуйидаги бирликлардан ташкил топади:

- 1.Сўз яшаш усуллари парадигмаси.
- 2.Сўз ясаши категорияси парадигмаси.
- 3.Сўз ясаши типлари парадигмаси.
- 4.Конкрет типли категория парадигмаси.

Шундай қилиб, ўзбек тилшунослигида морфология соҳаси ўзининг муносиб тараққиёт тарихига эга бўлди. Айниқса, ўзбек формал (анъанавий) морфологиясининг давоми сифатида шаклланган субстанциал (формал-функционал) морфология ўзбек тилининг грамматик қурилишини ўрганиш борасида тадқиқ методологияси, методикаси, тамойили ва ўрганиш предметининг ўзига хослиги билан тўла маънода янги йўналиш сифатида шаклланиб улгурди. Ономасиологик тасниф усули турдош ва атоқли отларни, тақлидий сўз ва терминларни, шунингдек, профессионал (касбий) лексика материалларини гуруҳга ажратишда қўл келади.

Номларнинг аталаш сабаби кўпроқ янги сўзларда, айниқса, терминологияда, этнографик ва профессионал лексикада сўз туркумларидан отларда, тақлидий сўз ва ундовларда, баъзан феълларда ёрқин кўзга ташланиб туради.

Профессор А.Ғ.Ғуломов таъкидлаганидек: «Янги сўз ҳаётнинг талаби билан туғилади. Бу талаб жамиятнинг шу алоқадор ҳолда онгнинг тараққиётига боғлиқ»⁶, деб ёзар экан, тилда мундарижа, шакл вазифанинг ўзаро боғлиқлигини, тилдаги қонун-қоидаларнинг шу уч томонга хосланганлигини махсус таъкидлайди. Демак, мазмун, шакл, вазифа боғлиқлиги асосида профессор А.Ғ.Ғуломов сўз бирикмалари ва гап таркибида кузатиладиган муносабатлар каби «сўз яшаш муносабати» атамасини қўллаб, бу жараёнларнинг тил тизмида катта ўрни борлигига ишора этади. Шу билан бирга, ясама сўзлар маълум андоза асосида яратилиши ўзбек тили юзасидан олиб борилган тадқиқотлар ҳамда дидактик манбаларда ўз аксини топган.

Профессор А.Ғ.Ғуломовнинг қадимги туркий тил манбалари, ўзбек халқ шевалари ва бошқа туркий тилларга оид далилларни умумлаштириш даражасини тилшуносликдаги илғор ва етакчи ғояларга асосланганлигини

⁶ Ғуломов А. Ғ. Сўз ясаши. Ўзбек тили грамматикаси. I том, - Т.: Фан. 1975. – Б. 28-41.

сўз ясалиши соҳаси, хусусан, сўз яшаш моделлари талқини мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Профессор А.Ғ.Ғуломовнинг «Сўз яшаш муносабати» атамасини қўллаб, бу жараёнларнинг тил тизмида катта ўрни борлиги ҳамда ясама сўзлар маълум андоза асосида яратилиши ўзбек тили юзасидан олиб борилган тадқиқотлар ҳамда дидактик манбаларда ўз аксини топганлиги яна бир қарра исботлайди.

Иккинчи боб «**Ясама сўзнинг тил тизимидаги мавқеи ва сўз ясалиш маъноси**» деб номланган бўлиб, унинг биринчи бўлимида «Ясама сўз билан боғлиқ асосий тушунчалар ва тил birlikлари тизимида ясама сўзнинг мавқеи» номли аффикс ва морфемалар борасидаги илмий баҳсларга тавсиф берилади ва айрим хулосалар чиқарилади. унинг биринчи бўлимида санойиъ бадиъя тизимида харфий санъатларнинг вазифаси, ўрни ва аҳамияти очиқ берилган.

Тил системасининг ҳар томонлама илмий равишда чуқур ўрганила бошлаши натижасида сўз ясалиши морфологиядан ҳам, лексикологиядан ҳам ажралиб, тилшуносликнинг мустақил бир соҳаси сифатида шаклланди. Бу эса, сўз ясалиши системасини илмий тарзда атрофлича ўрганилиши учун имконият яратди. Сўз ясалиши тилшунослик фанининг бир бўлими, яъни мустақил лингвистик соҳа бўлиб, у сўзларнинг ясалишини, янги сўз ҳосил қилишнинг қонун-қоидаларини, қолаверса, сўзларнинг тузилишини текширади. Демак, бу соҳанинг объекти сўздир. Сўзни лексикология ҳам, грамматика ҳам текширади, лекин бу икки хил текшириш бир-биридан маълум белгилар билан ажралиб туради. Шунингдек, сўз ясалиши қайси жиҳатдан текширилиши ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўзбек тилшунослигининг сўз ясалиши бўлимида биринчидан, янги сўзларнинг қандай ҳосил қилиниши, иккинчидан, мавжуд ясама сўзларнинг пайдо бўлиш ўрни текширилади.

Сўз ясалиш соҳасининг бир қанча умумий ҳодисалари, тушунчалари мавжуд. Ўзбек тилшунослигида бундай умумий тушунчалар аниқ белгиланмаган. Бобнинг «Сўз ясалиш маъноси ва мотивация муносабати, унинг бошқа маъно турларидан фарқи» номли иккинчи фаслида эса, муайян сўз ясалиш типига кирувчи мотивланган сўзларни уларнинг мотивловчиларидан фарқ қилувчи умумий маъно ушбу типга оид сўзларнинг сўз ясалиши маъноси (пишиқчилик, тўкинчилик, қимматчилик, қурғоқчилик каби *-чилик* қўшма аффикси ёрдамида ясалган сўзларда) асосдан англашилган нарса-ҳодисанинг борлиги маъноси сўз ясовчи формант орқали ифодаланади.

Ана шундай масалалардан бири-сўз ясалиш маъноси тушунчасидир. Кейинги йилларда фан тараққиёти билан боғлиқ ҳолда сўз ясалиши маъносининг талқини анча чуқурлашди, айрим масалалар бўйича фикрлар хилма-хиллиги юзага келди. Сўз ясалиш маъносининг табиатини аниқлаш соҳасидаги қарашлар қуйидагича гуруҳланиши мумкин: сўз ясалиш маъноси

морфем-морфологик, луғавий, луғавий-фразеологик, синтактик, услубий-коннотатив каби маъно типлари билан узвий алоқада.

Сўз ясовчи аффикслар ва улар билан боғлиқ ходисалар тилшуносликнинг махсус бўлими "Сўз ясалиши" баҳсида ўрганилади.

Бу усулни сўз ясалишининг аффиксация усули деб аташ эса ходисанинг моҳиятига тўла мос келади.

Компонентлари ўзак морфемага тенг бўлган кўшма сўзлар ўзбек тилида анчагина миқдорни ташкил этади: атиргул, белбоғ, ватангадо, гулдаста, кўзойнак ва б. Бу сўзларни морфологик усул билан ясалган сўзлар дейиш мумкин эмас. Бу каби сўз ясалишини композиция усули ёки синтактик усул билан сўз яшаш деб қараш ўринлидир.

Демак, мустақил лексик маъноли бирдан ортиқ birlikнинг қўшилиши билан сўз ясалиш усулини композиция усули деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади.

А.Ғуломовнинг илмий қарашларида сўз яшаш усуллари билан белгиланиши ва номланиши бошқа модификацияда номланади. Муаллиф ёзади: "Сўз яшаш": 1. Грамматик сўз яшаш (аффикс ёрдами билан сўз яшаш - аффиксация, сўз қўшиш йўли билан сўз яшаш композиция; сўзни бир лексик-грамматик категориядан бошқасига, бошқа туркумга кўчириш категориал кўчиш йўли билан яшаш-конверсия). 2. Лексик-семантик сўз яшаш. 3. Фонетик сўз яшаш.

Аффиксация ва композиция усуллари ўзбек тилшунослигида мукаммаллашган (А.Ғуломов, А.Ҳожиев, Т.Мирзакулов ва бошқалар). Учунчи усул деб келтирилади ҳодиса ўзбек тилида бизнинг фикримизга кўра мавжуд эмас, яъни бир туркумдан бошқа туркумга кўчириб сўз ясалиш усули йўқ деб эътироф этилади. Лекин бу жараён мавжуд. Масалан, *қирқ(сон) - қирқ маросим, йигирма(сон) - йигирма маросим* кабилар. Лексик - семантик усул билан ҳосил бўлган сўз эса ўз туркуми доирасида қолиши ёки бошқа туркумга мансуб бўлиши мумкин.

Иккинчи бўлим «Ясама сўзнинг синхрон ва диахрон усулларида ясалиши» деб номланган. Маълумки, ўзбек тилини синхрон ва диахрон ўрганишга бағишланган Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов, О.Усмон, Ш.Шукуров, Э.Умаров, Б.Ҳасанов, Ҳ.Неъматов, Э.Фозилов, А.Матғозиев, С.Аширбоев, Б.Бафоев, Н.Махмудов, М.Қодиров каби олимларнинг тадқиқотлари ўрганилган. Демак, муайян тилнинг ўзаро алоқа (муносабат)даги сўз ясалиш типлари мажмуи сўз ясалиш тизими ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сўз ясалиши билан боғлиқ ходисалар ва уларнинг моҳияти ҳар бир ясама сўзнинг ёки ҳар бир сўз ясалишининг ўзи мисолида эмас, балки сўз ясалиш типи (типлари) мисолида (шу орқали) ёритилиши керак. Шу асосда сўз ясалиш тизимининг таҳлили юзага келади. Ҳар бир сўз ясалиши типига оид ясама сўзлар учун умумий бўлган маъно сўз ясалиши маъноси ҳисобланади. Сўз ясалиш маъноси унинг бошқа маъно турларидан фарқланади.

1975-1976 йили икки жилдлик илмий - фундаментал «Ўзбек тили грамматикаси» яратилди. Ушбу грамматиканинг биринчи жилдидаги «Сўз боши» қисмида сўз ясалиши ҳақида муҳим фикрлар берилган. Мазкур китобнинг «Сўз ясалиши» бўлими А.Ғ.Ғуломов томонидан ёзилган. Унда шундай фикрлар баён қилинган: «Сўз ясалишининг асосий (етакчи) йўли аффиксация бўлганлигидан, бу ҳодиса, маълумки, традицияга кўра, морфологиянинг бир қисми сифатида ўрганилиб келинар эди. Ҳолбуки, у морфологиядан кўра ҳам лексикага яқин туради, чунки сўз яшанинг вазифаси янги лексик бирлик ҳосил қилишдир. Демак, сўз яшаш йўллари ҳар хил бўлиб, бу йўллар семантика, синтаксис, фонетика билан ҳам боғлиқдир. Кейинги текширишлар сўз ясалишининг тилшуносликдаги мустақил бир соҳа эканлигини кўрсатди».⁷

Бу эса ўз навбатида ХХ асрнинг 40-йиллари охири ва 50-йилларда рус тилшунослигида сўзнинг морфологик таркиби ва сўз ясалиши таркиби, ясалмада шакл ва маъно муносабати, ясама сўзда мотивация ҳодисаси, мотивация йўналиши каби масалалар қизғин муҳокама қилинди.

«Ясама сўз ва сўз яшаш усуллари» деб номланган учинчи боб уч бўлимдан иборат. Сўз ясалиш соҳасининг бир қанча ҳодисалари, тушунчалари мавжудлиги тадқиқ этилади. Ўзбек тилшунослигида бундай умумий тушунчалар аниқ белгиланмаган. Маълум бўлган айрим умумий ҳодисаларнинг талқинида ҳам ҳар хилликлар бор. Рус тилига оид ишларда сўз ясалишининг тушунчалари аниқ белгиланган ва булар юзасидан деярли бир фикрга келинган, деган илмий хулосалар мавжуд. Лекин ўзбек тилшунослигида сўз ясалишининг умумий тушунчаларини белгилаш ва баён этишда ана шу ишлардаги фикрларга асосланганлиги академик А.Ҳожиёв ишларида мавжуд.⁸

Сўз ясалишининг ана шундай тушунчаларидан бири сўз яшаш усуллари тушунчасидир. Сўз ясалиши, қандай усул билан бўлса ҳам, янги сўз ҳосил бўлиши эканлиги юқорида айтилди. Бунда икки ҳодисани фарқлаш керак бўлади:

- 1) тилда умуман янги сўзнинг ҳосил бўлиши;
- 2) тилга хос маълум (қатъийлашган) усул асосида шу тил материаллари билан янги сўз яшаш (янги сўз ҳосил қилиш).

Тилда, жумладан, ўзбек тилида янги сўз ясалишининг хилма-хил усуллари борлиги маълум. Лекин бу усулларнинг миқдори ва турларини белгилашда, шунингдек, уларни номлаш масаласида ҳанузгача ягона бир фикрга келинган эмас.

Ўзбек тилига оид, шунингдек, бошқа туркий тилларга оид адабиётларда сўз ясалишининг иккидан то еттигача бўлган тури кўрсатилади.

⁷ Ўзбек тили грамматикаси. II жилдлик, I жилд. – Т., Ўқитувчи. 1975. – Б. 3-5.

⁸ Қаранг: А.Ҳожиёв Сўз яшаш усуллари. // Ўзбек тили ва адабиёт. –Т.,: Фан. 1975. 4-сон. – Б. 43-48.

Сўз ясалишининг асосий усуллари деб кўпчилик томонида тан олинаётган ва лингвистик адабиётларда қайд этилаётган усуллар қуйидагилардир:

1) фонетик усул; 2) аффиксация усули; 3) композиция усули; 4) семантик (лексик-семантик) усул; 5) синтактик-лексик усул; 6) аббревиация усули.

Умуман олганда, сўз ясалиши деганда сўз шаклининг лексик маъно касб этиши натижасида янги сўз (лексема)га айланиши билан янги сўз ҳосил бўлиши, кўп маъноли сўзнинг маънолари ўртасидаги боғланишнинг (семантик алоқанинг йўқолиши натижасида) янги лексема ҳосил бўлиши тушунилади. Масалан, бошда (ўрин-пайт келишиги формасидаги отнинг равишга кўчиши билан юзага келган сўз), кечаси (эғалик шаклидаги отнинг равишга кўчишидан ҳосил бўлган сўз), келишган (йигит), арзимаган (нарса) сифатдош шаклидаги феълнинг сифатга кўчиши билан юзага келган сўзлар кун (қуёш, планета) кун (сутканинг ёруғ қисми, кундуз) ва бошқалар.

Иккинчи бўлим «Ҳозирги ва тарихий сўз ясалиш усуллари ва уларнинг муносабати» деб номланган фаслида сўз ясаш усуллари ўрганилди. Сўз ясалиши, қандай усул (йўл) билан бўлса ҳам, янги сўз (лексема) ҳосил бўлиши эканлиги юқорида айтилди. Тил тараққиёти жараёнида маълум турдаги сўз бирикмаси ягона лексик маъно касб этиши натижасида синтактик бирликдан лексик бирликка айланади - кўшма сўз юзага келади. Масалан, *мингбоши, жўхориюя, тоққайчи* каби кўшма сўзлар шу йўл билан юзага келган, кўшма сўзлар деб қаралади. Сўз ҳосил бўлишининг бу усули лексикализация усули деб ҳам юритилади. Мазкур фаслда таниқли тилшунос А.Ғ.Ғуломовнинг сўз ясалишига бағишланган назарий қарашлари таҳлил қилинган.

Шунингдек, XX асрнинг 40-50 йилларида ҳинд-европа оилаларига мансуб тилларнинг лингвистик таълимотида сўз ясалиши, лексикология (хусусан, лексикография, фразеология), грамматика масалаларида ясама сўз ва унинг ҳосил бўлиш усуллари, кўшма сўзнинг сўз бирикмаси ва турғун иборалардан фарқи, ўхшаш томонлари бўйича В.М.Жирмунский, В.Г.Адмони, О.С.Ахманова, В.А.Десницкая, М.Д.Степанова, В.Н.Ярцева каби олимларнинг мулоҳазалари ўрганилган.

Учинчи бўлим «Сўз ясалишининг композиция ва редупликация усуллари» номли иккинчи фаслида сўз ясалишининг композиция ва редупликация усуллари борасида тўхталинган. Композиция усули билан ҳосил қилинган кўшма сўзларнинг ҳаммаси ҳам шундай структурага (сўз ясалиш асоси ва ясовчи формантдан иборат структурага) эга бўлавермайди. Бу жиҳатдан композиция усули билан ясалган кўшма сўзларнинг икки турини фарқлаш мумкин: 1) компонентларидан бири сўз ясаш вазифасига эга бўлган кўшма сўзлар; 2) бундай вазифали компонентга эга бўлмаган кўшма сўзлар.

1. Биринчи типдаги кўшма сўзларда унинг бир компоненти бир неча кўшма сўзларнинг ясалишида иштирок этади ва ҳаммасида бир хил маъно билан қатнашади. Масалан, *шибай, кунбай, донабай* кўшма сўзларидаги *-бай* компоненти шундай хусусиятга эга. Бу кўшма сўзларнинг ҳаммаси бир умумий сўз ясалиш маъносига эга, шу умумий сўз ясалиш маъноси асосида улар сўз ясалишининг муайян бир типини ҳосил қилади. Демак, бу хил кўшма сўзларнинг *-бай* компоненти сўз ясовчи аффикс ва аффиксоидга хос вазифани бажаради. У қўшилган компонент эса сўз ясалишига асос бўлувчи қисм (ясовчи асос) вазифасида бўлади. Худди ана шундай структурали кўшма сўзларгина ясама сўзга хос барча белгиларга эга бўлади ва шундай кўшма сўзларгина ҳақиқий маънода ҳозирги (синхрон) сўз ясалишининг объекти бўла олади. Композиция усули билан сўз ясалишидаги фаоллик, маҳсулдорлик ҳодисасини ҳам шундай структурали кўшма сўзлар ясалишида кузатиш мумкин.

Сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчи формант каби структурага эга бўлган кўшма сўзларда ясовчи формант функциясида фақат иккинчи компонент эмас, шунингдек, биринчи компонент ҳам бўлиши мумкин. Масалан, *камҳосил, камгап, камдаромад, камчиқим; умумхалқ, умумкоманда* ва б. Мустақил маънога эга бўлган ва мустақил ҳолда қўллана оладиган айрим сўзлар композиция усули билан ҳосил қилинган бирдан ортиқ кўшма сўзларнинг компоненти бўлиб келиши, лекин бу кўшма сўзларнинг барчасида бир хил маъно билан қатнашмаслиги мумкин. Масалан, *ит балиқ, ит бурун, ит узум, ит қовун* каби кўшма отлардаги *ит* компоненти; *қорақурт, қорамол, қорасон* каби кўшма отларидаги *қора* компоненти бир хил маъно билан қатнашаётгани йўқ. Ўз-ўзидан, *ит ва қора* компонентлари шу кўшма сўзларда сўз ясовчи формантга хос сўз ясалиш маъносига эга эмас - деган хулосалар А.Ғуломов, А.Ҳожиев, Т.Мирзақулов ишларида берилган. Шундай экан, бу кўшма сўзлар ясовчи асос ва ясовчи формантдан иборат структурага эга эмас. Демак, улар композиция усули билан ясалувчи биринчи типдаги кўшма сўзлар қаторига кирмайди.

Композиция усули билан ясалган кўшма сўзларнинг кўпчилик қисми ясовчи асос ва ясовчи формантдан иборат структурага эга бўлмайди. Масалан, *ертўла, дилозор, довьюрак, очкўз* кўшма сўзларининг бирон компонентини ясовчи асос ёки ясовчи формант деб ҳисоблаб бўлмайди. Бундай кўшма сўзлар шахс нарса ёки предметларнинг бирон жиҳатидан бўлган белгисига нисбат бериш йўли билан ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам бу турдаги кўшма сўзларнинг қандай, нимага кўра ясалганлиги улардан ҳар бирининг ўз доирасида изоҳланади. Қиёсланг: *белбоғ, карнайгул, отқулоқ, ёқавайрон, итфеъл* ва б. Бундай кўшма сўзларнинг ҳосил қилинишида нисбат бериладиган нарса, асосга олинадиган белги турлича бўлиши мумкин. Масалан, *тоғолча, чўлбақа, қашқаргул, тоғрайҳон, маккажўхори* каби кўшма сўзлар жой(макон)га мансублик белгиси асосида ҳосил қилинган; *духобагул, шойигул, капалакгул, карнайгул, ойболта,*

садарайҳон каби кўшма сўзлар иккинчи компоненти билдирган нарсанинг бошқа бир нарсага ташқи ўхшашлик белгиси асосида ҳосил қилинган. Бундай кўшма сўзлар таркибида улар билдирадиган нарсани ифодаловчи сўз қатнашмаслиги мумкин.

Масалан, *бўриқалла, қизилуруғ* (қовун турлари); *каттақўрғон, келинбармоқ* (узум турлари); *итогиз* (гул тури); *отқулоқ, қирқбўғин* (ўт турлари) каби кўшма отлар ҳам нарса предметнинг шу сўзлар билдирган нарсага ўхшашлик, эгалик белгиси асосида ҳосил қилинган; *ошрайҳон, кирсовун, киртоғора, қийматахта* каби кўшма отлар нарса предметнинг вазифасига кўра шу белгиси асосида ҳосил қилинган ва ҳ.к.

